

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЛУТФУЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**САНОАТ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН
ИККИЛАМЧИ ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДА СОРБЕНТЛАР
ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Бозоров Лутфулла Убайдуллаевич Саноат чиқинди сувларини тозалаш учун иккиламчи поливинилхлорид асосида сорбентлар олиш ва уларнинг қўлланилиши.....	3
Бозоров Лутфулла Убайдуллаевич Получение и применение сорбентов на основе вторичного поливинилхлорида для очистки промышленных сточных вод.....	21
Bozorov Lutfulla Ubaydullaevich Obtaining and application of sorbents based on secondary polyvinyl chloride for industrial wastewater treatment.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗОРОВ ЛУТФУЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**САНОАТ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН
ИККИЛАМЧИ ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДА СОРБЕНТЛАР
ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2354. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tersu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуркулов Файзулла Нурмунинович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Тожиёв Панжи Жовлиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «2» 11 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «21» 10 кун тарқатилди.

(2021 йил «21» 10 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



П.А.Умбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А.Касимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доц.

Р.В.Аликулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий секретар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, унинг қувватининг ортиши, аҳоли сонининг кўпайиши модификацияланган сорбентларга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқариладиган сорбентлар умумий хажмининг 65 фоизи иссиқлик ва атом электростанциялари, юзлаб кўринишдаги кимёвий ишлаб чиқариш, радиотехника ва электротехника саноатида, машинасозлик, коммунал хўжалик соҳасида қўлланиладиган тозаланган ва тузсизлантирилган сув олишда, сувни тозалаш мақсадида ишлатилади. Шунга кўра экологик жиҳатдан ҳавфсиз, арзон, осон синтез қилинадиган, қўлланишда қулай бўлган сорбентларни олиш ҳамда уларни саноат оқова сувларини оғир металл ионларидан тозалашда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда саноат ва экологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам берувчи юқори сорбцион хусусиятли ва селектив, термик ҳамда кимёвий барқарор ион алмашинувчи материалларни олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ион алмашинишни реагентли, мембранали ва бошқа усуллар билан қўшқинлаш, механик ва осмотик афзал ионитларни синтез қилиш ва саноатда қўллаш муддатини узайтириш, жараёни замонавий технологиялар билан қўроллантириш, ионитларнинг фойдаланиш даражасини ошириш, ионларга нисбатан селективлиги юқори бўлган ион алмашинувчи сорбентлар олиш, уларга металл ионлари сорбцияси кинетикасини, сорбция жараёнида сорбент фазасида кетадиган физик-кимёвий жараёнларни ва металл комплексларининг ҳосил бўлиш механизмларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар олиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилган, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, металл ионларига нисбатан танловчан сорбентлар олинган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида сорбцион материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, янги, юқори самарали сорбентлар синтез қилиш ва улар ёрдамида металл ионларини концентрлаш ҳамда ажратиш олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда поливинилхлоридни модификациялаш, хоссаларини яхшилаш ва ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш бўйича L.S.Wang, C.E.Carraher, M.L. Inamuddin H.Nishide, D.Mayevsky, O.Winther-Jensen, B.Winther-Jensen, E.Monfilier, G.I.Dzhardimalieva каби олимлар ўз изланишларини олиб борганлар.

МДХ давлатлари олимларидан С.Р. Гаджиева, Н.М. Джафарова, Ф.Н. Бахманова, Е.А. Бектуров, С.Е. Кудайбергенов, А.Л. Максимов, О.В. Нецкина, С.З.Гамидов, Ф. Чырагов, А.К. Байдуллаева, Н.А. Бектенов, Е.Е. Ергожин, Т.К.Чалов, А.И.Никитина, Т.В.Ковригина, К.Х.Хақимболатова, В.В.Бондарева, А.А.Шиндлер, В.Ф.Борбат, Л.Н.Адеева, С.С.Кубышевлар ўз тадқиқотларида комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олиш механизмлари, хоссалари ва қўлланилиш соҳалари бўйича бир қатор ишларни амалга оширганлар.

Мамлакатимизда ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олимлардан С.Ш.Рашидова, Х.Т.Шарипов, М.Г.Мухамедиев, Х.Х.Тураев, О.Н.Рўзимуродов, Н.Вохидова, Ш.Ш.Даминова, З.Ч.Кадырова, Д.А.Гафурова, Н.Каттаев, М.К. Рустамов ва бошқаларнинг ишларини келтириб ўтиш ўринли бўлади.

Келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда поливинилхлоридни турли реакцион фаол ва комплекс ҳосил қилувчи реагентлар билан кимёвий модификациялаш орқали янги турдаги комплекс ҳосил қилувчи сорбентларни синтез қилиш, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш, янги, импорт ўрнини босувчи самарали сорбентларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИЗ-2020022918 «Маҳаллий хомашёлар асосида поливинил-хлориддан қувур, профил, ленолеум ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш» (2021-2022 йй.) ва №ИТД-12 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-

металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги инновацион ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи поливинилхлоридни таркибида азот ва олтингугурт бўлган органик бирикмалар билан модификациялаш асосида сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламин билан модификациялаш асосида ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олиш;

олинган сорбентларнинг таркиби, фазовий тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқотнинг замонавий усуллари ёрдамида аниқлаш;

сорбентларнинг кимёвий барқарорлигини ва динамик шароитларда қайта ишлатиш ҳамда қўллаш имкониятларини аниқлаш;

олинган сорбентлардан ишлаб чиқариш корхоналари чиқинди сувларини заҳарли металл ионларидан тозалашда ва технологик эритмалардан қимматли компонентларни ажратиб олишда фойдаланиш имкониятини аниқлаш;

поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламин билан модификациялаш асосида ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккиламчи поливинилхлорид, диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламин, металл ионларини сақловчи эритмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети полимерларнинг кимёвий ўзгаришлари, модификацияси, моддаларнинг кимёвий барқарорлиги, сорбентлар, сорбция ва десорбция жараёнлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ИҚ-спектроскопияси, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), дифференциал термик таҳлил, элемент таҳлили каби замонавий экспериментал тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи поливинилхлорид асосида диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинларни модификациялаб ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар синтез қилинган;

синтез қилинган янги ТБ-1, ТБ-2, ТБ-3, ТБ-4 маркали сорбентларнинг статик ва динамик шароитларда индивидуал ҳамда аралаш эритмалардан Cu (II), Cd (II), Zn (II), Ag (I) ионларига нисбатан сорбцион сифимлари аниқланган;

дифференциал-термик таҳлил асосида сорбентларнинг термик барқарорлиги ТБ-3 < ТБ-1 < ТБ-4 < ТБ-2 қаторида ортиб бориши аниқланган;

иккиламчи поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинлар ёрдамида модификациялаб ТБ-1, ТБ-2, ТБ-3, ТБ-4 маркали сорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинлар билан модификациялаб янги, юқори самарали сорбентлар синтез қилинган;

иккиламчи поливинилхлорид асосида сорбентлар олишнинг мақбул шароитлари, олинган сорбентларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари замонавий анализ усуллари ёрдамида аниқланган;

сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги ва динамик шароитларда қайта ишлатиш ҳамда қўллаш имкониятлари аниқланган;

иккиламчи поливинилхлорид асосида янги ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, хулосалар ва тавсияларнинг асослилиги учун, олинган бирикмаларни идентификациялаш юқори даражада замонавий кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик усуллар (ИҚ-спектроскопияси, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), дифференциал термик таҳлил, элемент таҳлили) дан фойдаланилди. Таҷриба натижалари таҳлили асосида хулосалар қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поливинилхлорид асосида янги ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентларни синтез қилиш ва тузилиши, физик кимёвий хоссаларини аниқлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинлар билан кимёвий модификациялаб олинган ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар саноат корхоналари оқова сувларини зарарли металл ионларидан самарали тозалаш ва технологик эритмалардан ажратиш имкониятларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи поливинилхлоридни модификациялаш ёрдамида сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иккиламчи поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинлар билан модификациялаб сорбентлар олиш технологияси “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда сорбентлар олишда қўлланилган (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2021 йил 5 октябрдаги АА-008142-сон маълумотномаси). Натижада, чиқинди сувларини металл ионларидан тозалаш учун импорт ўрнини босувчи самарали сорбентлар олиш имконини берган;

иккиламчи поливинилхлоридни модификациялаш ёрдамида олинган ТБ-1, ТБ-2, ТБ-3, ТБ-4 маркали сорбентлар “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда ишлаб чиқаришда чиқинди сувларини металл ионларидан тозалаш ва технологик эритмалардан қимматли компонентларни ажратиб олишда жорий қилинган (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2021 йил 5 октябрдаги АА-008142-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувларни мис

(II), кадмий (II), рух (II), кумуш (I) металл ионларидан тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 4 та Республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Полимерларни модификациялаш асосида ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олишнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобида модификацияланган полимерлар асосида сорбентлар синтези, комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг олиниши ва уларнинг металл сорбциясида қўлланилиши, полимер сорбентларнинг олиниш усуллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Поливинхлорид асосида ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентларни синтез қилиш ва физик-кимёвий хусусиятларини, шунингдек, сорбентларнинг сорбциялаш хусусиятларини ўрганиш бўйича адабиёт маълумотлари тизимлаштирилган ҳамда бу изланиш истиқболли йўналишлардан бири эканлиги ёритилган.

Диссертациянинг **“Поливинилхлорид асосида янги ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар синтези ва уларнинг тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, сорбентлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини кенг қамровли ўрганиш ва тадқиқ қилиш усуллари баён этилган. Поливинилхлорид асосида синтез қилинган сорбентларнинг дифференциал термик таҳлили, сорбентлар

таркибидаги элементлар миқдорини сканерловчи электрон микроскоп- анализ усули билан аниқланган.

Поливинилхлорид ва диэтиламин асосида комплекс ҳосил қилувчи ТБ-1 сорбенти синтези.

Қайтар совуткич ва автоматик аралаштиргич ўрнатилган уч оғизли колбага 10 г поливинилхлориднинг 35 мл диметилформамаиддаги эритмаси солинди ва унга 60 °С да қиздириб ва аралаштириб турган ҳолда, 7,3 мл (0,1 моль) диэтиламин томчилатиб қўшилди. Сўнгра ҳарорат 80-90 °С гача оширилди ва шу ҳароратда 1,5-2 соат аралаштирилгандан сўнг қаттиқ масса ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган қаттиқ масса чинни косачага солиниб, қуритиш шкафида 50-55 °С ҳароратда 5 соат давомида қуритилди. Қуритилган полимер майдаланди ва қуйи молекуляр моддалардан дастлаб КОН нинг сувдаги 5% ли эритмаси, кейин эса, фенолфталеин индикатори бўйича нейтрал реакция бергунча дистилланган сув билан ювилди ва ҳавода қуритилди. Гелсимон сариқ-жигар рангли модда олинди. Ҳавода қуритилган сорбент массаси 8,71 г, намлиги 12 %, реакция унуми 88 %. Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбент сувда қисман бўқади, органик эритувчиларда эримади ва бўкмайди.

Поливинилхлорид ва моноэтанолламин асосида ион алмашинувчи ТБ-2 сорбент синтези.

Қайтар совуткич ва автоматик аралаштиргич ўрнатилган уч оғизли колбага 10 г поливинилхлориднинг 35 мл диметилформамаиддаги эритмаси солинди ва унга 70 °С да қиздириб ва аралаштириб турган ҳолда, 6,1 мл (0,1 моль) моноэтанолламин томчилатиб қўшилди. Сўнгра ҳарорат 100-110 °С гача оширилди ва шу ҳароратда 1-1,5 соат аралаштирилгандан сўнг қаттиқ, смоласимон масса ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган масса чинни косачага солиниб, қуритиш шкафида 55-60 °С ҳароратда 4 соат давомида қуритилди. Қуритилган полимер майдаланди ва қуйи молекуляр моддалардан дастлаб КОН нинг сувдаги 5 % ли эритмаси, кейин эса, фенолфталеин индикатори бўйича нейтрал реакция бергунча дистилланган сув билан ювилди ва ҳавода қуритилди. Гелсимон сариқ-жигар рангли сорбент олинди. Ҳавода қуритилган сорбент массаси 7,63 г, намлиги 12 %, реакция унуми 88 %. Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбент сувда қисман бўқади, органик эритувчиларда эримади ва бўкмайди.

Поливинилхлорид ва натрий диэтилдитиокарбамаат асосида комплекс ҳосил қилувчи ТБ-3 сорбентини синтез қилиш усули.


Қайтар совуткич ва автоматик аралаштиргич ўрнатилган уч оғизли колбага 20 г поливинилхлориднинг 100 мл диметилформамаиддаги эритмаси солинди ва унга 70 °С да қиздириб ва аралаштириб турган ҳолда, 29,6 мл (0,2 моль) натрий диэтилдитиокарбамаат қўшилди. Сўнгра ҳарорат 100-110 °С гача оширилди ва шу ҳароратда 1,5-2 соат аралаштирилгандан сўнг қаттиқ, смоласимон масса ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган масса чинни косачага солиниб, қуритиш шкафида 60-65 °С ҳароратда 4 соат давомида қуритилди. Қуритилган полимер майдаланди ва қуйи молекуляр моддалардан дастлаб NaOH нинг сувдаги 5 % ли эритмаси, кейин эса, фенолфталеин индикатори бўйича нейтрал реакция бергунча дистилланган сув билан ювилди ва ҳавода қуритилди. Гелсимон

сарик-жигар рангли модда олинди. Ҳавода қуритилган сорбент массаси 38,42 г, намлиги 11 %, реакция унуми 89 % ни ташкил этди. Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбент сувда қисман бўкади, органик эритувчиларда эримади ва бўкмайди.

Поливинилхлорид ва дифениламин асосида комплекс хоссали ТБ-4 сорбенти синтези.

Поливинилхлоридни комплекс ҳосил қилувчи реакция фаол бирикмалар билан модификациялаш мақсадида дифениламин билан реакцияси ўрганилди.

Автоматик аралаштиргич ва қайтар совуткич ўрнатилган уч оғизли колбага 10 г поливинилхлориднинг 80 мл диметилформаиддаги эритмаси солинди ва у 70 °С да қиздириб ва аралаштириб турган ҳолда, 16,9 г (0,1 моль) дифениламин кўшилди. Сўнгра ҳарорат 110-120 °С гача оширилди ва шу ҳароратда 2-2,5 соат аралаштирилгандан сўнг қаттиқ, смоласимон масса ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган масса чинни косачага солиниб, қуритиш шкафида 60-70 °С ҳароратда 4 соат давомида қуритилди. Қуритилган полимер майдаланди ва қуйи молекуляр моддалардан дастлаб КОН нинг сувдаги 5% ли эритмаси, кейин эса, фенолфталеин индикатори бўйича нейтрал реакция бергунча дистилланган сув билан ювилди ва ҳавода қуритилди. Гелсимон сарик-жигар рангли модда олинди. Ҳавода қуритилган сорбент массаси 16,96 г, намлиги 13 %, реакция унуми 87 % ни ташкил этди. Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбент сувда қисман бўкади, органик эритувчиларда эримади ва бўкмайди.



1-расм. ТБ-4 сорбентнинг Cu(II) иони билан ҳосил қилган комплекс бирикмасининг ИҚ-спектри.

Дифениламин асосида олинган сорбентнинг икки валентли мис ионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмасининг таркибини таҳлил қилиш учун ИҚ-спектр усулидан фойдаланилди. ТБ-4 сорбентнинг ИҚ-спектри 1-расмда келтирилди.

1-жадвал

ТБ-4 сорбент ва унинг Cd (II), Cu (II), Zn (II), Ag (I) ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг ИҚ-спектрларидаги ютилиш частоталари, см⁻¹

ТБ-4	ТБ-4 + Cu (II)	ТБ-4 + Zn (II)	ТБ-4 + Cd (II)	ТБ-4 + Ag (I)	Тебраниш таснифи
1049	1054	1045	1056	1059	$\nu_s(\text{C-O})$
1249	1252	1253	1239	1247	$\nu(\text{C-OH})$
3394	3398	3396	3387	3391	$\nu(\text{NH})$
1425	1427	1423	1428	1426	$\delta_s(\text{N-CH}_2)$
1660	1663	1667	1658	1668	$\delta(\text{CH}_2)+\delta(\text{CN})$
2916	2923	2925	2918	2921	$\nu_{as}(\text{CH}_2)$

Cu (II) ионларининг ТБ-4 сорбенти билан ҳосил қилган комплекс бирикмасининг ИҚ-спектрида қуйидаги частоталар кузатилди (1-расм): имино гуруҳнинг валент тебраниши $\nu(\text{NH})$ 3392 см⁻¹ да, метил гуруҳининг валент тебраниши (CH₂) 3003 см⁻¹ да, метилен ва цианид (CH₂)+(CN) гуруҳларининг симметрик ва ассиметрик валент тебранишлари (CH₂) + (CN) 1653 см⁻¹, 1591 см⁻¹ соҳаларда, метилен CH₂ гуруҳининг симметрик ва ассиметрик валент тебранишлари $\nu_s(\text{CH}_2)$ 1435 см⁻¹, $\nu_{as}(\text{CH}_2)$ 1317 см⁻¹ да, C-O гуруҳининг валент тебранишлари $\nu(\text{C-O})$ 1014 см⁻¹ да, N-Cu боғининг валент тебранишлари эса $\nu(\text{O-Cu})$ 634 см⁻¹ да аниқланди. Аралашма таркибидаги дифениламин молекуласидаги азот атоми Cu (II) иони билан донор-акцептор боғ ҳосил қилиб модификацияланганлиги ИҚ-спектрал усул ёрдамида исботланди.


2-жадвал

ТБ-1 сорбент термограммасининг натижалари


Эффектнинг харорат интервали, °C	Эффект чўққиси, °C	Масса ўзгариши, %	Умумий масса ўзгариши, %	Эффект табиати
40-115	126	0,8	0,8	эндотермик
136-180	162	13	14,5	экзотермик
220-250	246	17,7	24,2	экзотермик
250-285	275	14,5	44,7	эндотермик
265-290	284	6,5	52,2	экзотермик
305-345	332	12	60,2	экзотермик
350-386	362	18,4	72,4	эндотермик
460-510	484	24,1	81,3	эндотермик
520-560	543	10,8	92,42	экзотермик

Тадқиқот давомида олинган комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг (ТБ-1 – ТБ-4) термограммаларида кузатилган экзотермик эффектлар сорбент


тузилишининг термооксидланиш натижасидаги деструкцияси, эндотермик эффектлар эса ҳавосиз деструкцияланиш деб хулоса қилишимиз мумкин. Таҳлил қилинган натижалари шуни кўрсатдики, олинган сорбентларнинг термик барқарорлиги $ТБ-3 < ТБ-1 < ТБ-4 < ТБ-2$ каторида ортиб боради.



2-расм. Поливинилхлорид (а) ва ТБ-1 сорбентнинг (б) микроструктураси




3-расм. ТБ-2 (а) ва ТБ-3 (б) сорбентларининг микроструктураси




4-расм. ТБ-4 сорбентининг микроструктураси

Поливинилхлорид диэтиламин, моноэтаноламин, натрий диэтидитиокарбамат ва дифениламинлар асосида олинган сорбентлар

такибидаги углерод, кислород, азот ва металлларнинг миқдорларини СЭМ-ЭДА усулида ҳам аниқланди. СЭМ-ЭДА натижасида олинган маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтаноламин, натрий диэтидитиокарбамат ва дифениламинлар билан модификациялаб олинган сорбентлар микроструктурасининг ўзгаришига олиб келади, хусусан, уни кўплаб сорбентлар таркибида азот атомлари ҳамда сорбентларнинг металл ионларига ютилишидан олинган махсулотларга металл чўққилари кузатилди, бу еса ЭДА томонидан тасдиқланди. Олинган сорбентларнинг микроструктураси 2-6-расмларда келтирилди.



5-расм. ТБ-1 сорбентга кумуш ионининг сорбцияланишидан кейинги микроструктураси (а) ва ЭДА маълумотлари (б).




6-расм. ТБ-3 (а) сорбентга мис иони сорбцияланишидан кейинги микроструктураси (а) ва ЭДА маълумотлари (б)

Диссертациянинг “Комплекс ҳосил қилувчи ионитлар тузилиши ва улар ёрдамида баъзи d-металлар ионлари сорбцияси” деб номланган учинчи бобида олинган ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг фаоллаштириш, статик алмашиниш сиғимини аниқлаш, элемент таҳлили ва сорбцион хусусиятлари ўрганилган.


Сорбентларни фаоллаштириш. Синтез қилинган сорбентларни ишчи ҳолатга келтириш учун биринчи навбатда маълум бир массадаги сорбент колонкаларга солинди ва ионит орқали 5 % ли калий гидроксид эритмаси ўтказилди. Ишқорнинг концентрацияси дастлабки ва охириги ҳолати бир хил

бўлгунга қадар калий гидроксид эритмасини ўтказиш давом эттирилди ҳамда колонкадаги ионитдан чиқаётган сув нейтрал ҳолатга келгунича дистилланган сувда яхшилаб ювилди. Сўнгра 5 % ли хлорид кислота билан актив ҳолатга келтирилди, бу босқичда ҳам ионитдан чиқаётган кислотанинг концентрацияси дастлабки концентрация билан бир хил бўлгунга қадар хлорид кислота эритмаси ўтказиди. Ионитларга металл ионларининг сорбциясини яхшилаш учун ионитни гидроксид формага ўтказилди, бунинг учун ионитли колонкадан 0,1 М ли КОН эритмасидан фойдаланилди. Таркибида Ag, Cu (II), Ni (II), Zn ва Co (II) ионларини сақловчи 0,01, 0,001, 0,005, 0,05, 0,075 М концентрацияли эритмаси тайёрлаб олинди ва 5 та 200 мл ли даражаланган стаканларга 1,0 г дан ишчи ҳолатдаги сорбентлар аналитик тарозидан аниқ ўлчаб солинди. Тайёрланган металл тузли эритмалардан 100 мл дан стаканларга қуйилди ва хона ҳароратида бир сутка мобайнида қолдирилди. Ютилиш жараёнида кейинги эритмалардан намуна олиниб эритмадаги металл ионларининг концентрациясини спектрофотометрда аниқланди.


ПВХ+диэтиламин асосида олинган ТБ-1 комплекс ҳосил қилувчи сорбентнинг металл ионларини сорбциялаши натижасида қуйидаги тузилишга эга бўлган бирикма ҳосил қилиши тахмин қилинди.




ПВХ+моноэтаноламин асосида олинган ТБ-2 комплекс ҳосил қилувчи сорбентнинг металл ионларини сорбциялаши натижасида қуйидаги тузилишга эга бўлган бирикма ҳосил қилиши тахмин қилинди.



ПВХ+натрий диэтилдитиокарбамат асосида олинган ТБ-3 комплекс ҳосил қилувчи сорбентнинг металл ионларини сорбциялаши натижасида қуйидаги тузилишга эга бўлган бирикма ҳосил қилиши тахмин қилинди.



ПВХ+дифениламин асосида олинган ТБ-4 комплекс ҳосил қилувчи сорбентнинг металл ионларини сорбциялаши натижасида қуйидаги тузилишга эга бўлган бирикма ҳосил қилиши тахмин қилинди.



3- жадвал

Сорбентларнинг статик алмашиниш сиғимига турли реагентларнинг таъсири

Муҳит	САС _{бош} , мг-экв/г	САС _{охир} , мг-экв/г	САС ўзгариши, %
ТБ-1, САС 0,1 н NaOH бўйича			
10 % H ₂ SO ₄	4	3,9	97,5
10 % KOH	4	3,7	92,5
10 % H ₂ O ₂	4	3,5	87,5
Ҳаво*	4	3,4	85
ТБ-2, САС 0,1 н NaOH бўйича			
10 % H ₂ SO ₄	4,75	4,79	100,9
10 % KOH	4,75	4,71	99,2
10 % H ₂ O ₂	4,75	4,65	97,9
Ҳаво*	4,75	4,55	95,8
ТБ-3, САС 0,1 н NaOH бўйича			
10 % H ₂ SO ₄	3,4	3,3	97
10 % KOH	3,4	3,24	95,3
10 % H ₂ O ₂	3,4	3,1	91,1
Ҳаво*	3,4	2,9	85,3
ТБ-4, САС 0,1 н NaOH бўйича			
10 % H ₂ SO ₄	4,5	4,5	100
10 % KOH	4,5	4,45	98,8
10 % H ₂ O ₂	4,5	4,38	97,3
Ҳаво*	4,5	4,24	94,2

* ҳарорат 100 °С.

Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги турли агрессив муҳитларда ўрганилди. Тадқиқ этилаётган сорбентларнинг турли реагентлар, шунингдек кучли оксидловчилар таъсирига чидамлилигини синовдан ўтказишда адабиётларда маълум усуллардан


фойдаланилди. Сорбентлар намуналари 48 соат давомида хона ҳароратида турли кислота ва ишқор эритмаларига солиб қўйилди ҳамда вақти-вақти билан аралаштириб турилди. Реагентлардан тозалангандан сўнг сорбентларнинг статик алмашилиш сиғимлари аниқланди. Турли муҳитларда сорбентларнинг барқарорлигини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, олинган сорбентлардан ТБ-2 ва ТБ-4 нинг кимёвий барқарорлиги қолган сорбентларга нисбатан анча юқори.

Диссертациянинг “**Комплекс бирикмалар ҳосил қилувчи ва ион алмашинувчи сорбентлар олиш технологияси ва унинг техник-иқтисодий асослари**” деб номланган тўртинчи бобида техник-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг натижалари ҳамда ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олиш технологияси муҳокама қилинган.

Поливинилхлорид асосида комплекс ҳосил қилувчи ва ион алмашинувчи сорбентлар ишлаб чиқариш технологик схемаси уч бўлимни ўз ичига олган ҳолда, битта технологик тизимдан иборат: хом-ашё, қолиплаш ва қуритиш. Принципиаль технологик схема 7-расмда берилган.

Реакторга 1-сиғимдан ҳисобланган миқдорда, диметилформаид солинади, 2-сиғимдан унга поливинилхлорид солинади ва 2 соат давомида 70 °С да қиздириб турган ҳолда, аралаштирилади. Шундан сўнг, аралашма 4-сиғим - реакторга солинади ва 5-сиғимдан 4-реакторга модификатор оз-оздан солиб, интенсив аралаштириб турган ҳолда 100-110 °С ҳароратгача қиздирилади.



7-расм. ПВХ асосидаги комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар ишлаб чиқариш технологик схемаси: 1-поливинилхлорид учун сиғим, 2-эритувчи учун сиғим, 3-поливинилхлоридни эритиш реактори; 4- сорбент синтези учун реактор; 5-модификатор учун сиғим; 6-олинган маҳсулотни эритувчидан ажратиш колоннаси, 7-гранулятор, 8-тайёр маҳсулотни сақлаш учун сиғим.

4-жадвал

ТБ-1 сорбентини ишлаб чиқаришдаги харажатлар (1 т учун)

№	Сарфланган компонентларнинг номи	Нарх (сўм)
1.	Хом-ашё	64 660 000
2.	Электроэнергия сарфи	30 000
3.	Ишчиларнинг иш ҳақи	3000 000
4.	Ишлатиладиган қурилмалар харажатлари	1500 000
5.	Умумий ҳисобланган тан нархи	69 190 000
6.	Иқтисодий самарадорлик	110 810 000

5-жадвал

ТБ-2 сорбентини ишлаб чиқаришдаги харажатлар (1 т учун)

№	Сарфланган компонентларнинг номи	Нарх (сўм)
1.	Хом-ашё	44 925 000
2.	Электроэнергия сарфи	30 000
3.	Ишчиларнинг иш ҳақи	3000 000
4.	Ишлатиладиган қурилмалар харажатлари	1500 000
5.	Умумий ҳисобланган тан нархи	49 455 000
6.	Иқтисодий самарадорлик	130 545 000

6-жадвал

ТБ-3 сорбентини ишлаб чиқаришдаги харажатлар (1 т учун)

№	Сарфланган компонентларнинг номи	Нарх (сўм)
1.	Хом-ашё	49 950 000
2.	Электроэнергия сарфи	30 000
3.	Ишчиларнинг иш ҳақи	3000 000
4.	Ишлатиладиган қурилмалар харажатлари	1500 000
5.	Умумий ҳисобланган тан нархи	54 480 000
6.	Иқтисодий самарадорлик	125 520 000

**ТБ-4 сорбенти ва АМ-2Б анионитини ишлаб чиқаришдаги
харажатлар (1 т учун)**

№	Сарфланган компонентларнинг номи	Нарх (сўм)
1.	Хом-ашё	103 180 000
2.	Электроэнергия сарфи	30 000
3.	Ишчиларнинг иш ҳақи	3000 000
4.	Ишлатиладиган қурилмалар харажатлари	1500 000
5.	Умумий ҳисобланган тан нархи	107 710 000
6.	Иқтисодий самарадорлик	72 290 000

Саноат анионити АМ-2Б нархи қўшимча қиймат солиғи (Н.Д.С) ни ҳам ҳисобга олганда ва транспорт харажатлари билан бирга 1 тоннаси учун 180 000 000 сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Иккиламчи поливинилхлоридни диметилформаидда 70 °С ҳароратда эритиб, таркибида азот, кислород, олтингугурт донор атомлари бўлган комплекс ҳосил қилувчи органик реагентлар - диэтиламин, дифениламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ёрдамида 100-110 °С ҳароратда модификациялаб, юқори самарали ионалмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи янги ТБ-1, ТБ-2, ТБ-3, ТБ-4 маркали сорбентлар синтез қилинди ҳамда сорбентларни синтез қилишнинг мақбул шароитлари таклиф этилди.

2. Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги H_2SO_4 , КОН каби кучли кислота ва ишқорларнинг 10% ли эритмалари, шунингдек, кучли оксидловчи H_2O_2 нинг 10% ли эритмаси каби турли агрессив муҳитларда синовдан ўтказилди ҳамда ушбу сорбентларнинг статик алмашиниш сиғимининг камайиши 5 та сорбция-десорбция циклида 5-7% ни ташкил этиши кўрсатилди. Олинган сорбентлардан ТБ-2 ва ТБ-4 нинг кимёвий барқарорлиги қолган сорбентларга нисбатан анча юқори бўлиб, кучли кислотали эритмалардан ва оксидловчи муҳитида металл ионларини сорбциялашда тавсия этилди.

3. Дифференциал-термик таҳлил натижалари асосида олинган сорбентларнинг термик барқарорлиги ТБ-3 < ТБ-1 < ТБ-4 < ТБ-2 каторида ортиб бориши аниқланди. Сканерловчи электрон микроскоп – энергия дисперсион анализ усули таҳлилида поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламинлар билан модификациялаб олинган сорбентларнинг микроғовакли тузилиши кўрсатиб берилди.

4. Синтез қилинган юқори самарали ионалмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи янги ТБ-1, ТБ-2, ТБ-3, ТБ-4 маркали сорбентларнинг статик ва

динамик шароитларда индивидуал ҳамда аралаш эритмалардан Cu (II), Cd (II), Zn (II), Ag (I) ионларига нисбатан сорбцион сиғимлари аниқланди. Олинган натижалар асосида синтез қилинган сорбентлар саноат оқова сувларини заҳарли металл ионларидан тозалаш учун қўллашга тавсия этилди

5. Иккиламчи поливинилхлоридни диэтиламин, моноэтанолламин, натрий диэтилдитиокарбамат ва дифениламин ёрдамида кимёвий модификациялаб донадор сорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилди ва техник-иқтисодий асосланди. Иккиламчи поливинилхлорид асосида сорбентлар олиш технологияси “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда саноат оқова сувларини металл ионларидан тозалаш учун амалиётда қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОЗОРОВ ЛУТФУЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ СОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ
ВТОРИЧНОГО ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА ДЛЯ ОЧИСТКИ
ПРОМЫШЛЕННЫХ СТОЧНЫХ ВОД**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/T2354.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.terstu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель: Тураев Хайит Худайназарович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Тожиев Панжи Жовлиевич
доктор философии по техническим наукам, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «2» 11 2021 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Ученого совета на основе Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № 9, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «2» 11 2021 года.
(протокол рассылки № 7 от «2» 11 2021 г.).



И.А. Умбаров

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.

Ш.А. Касимов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н., доц.

Р.В.Аликулов

Глава научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Развитие производства в мире, увеличение его мощности, рост населения приводят к увеличению спроса на модифицированные сорбенты. Сегодня 65% от общего объема производимых в мире сорбентов используется для очистки воды, для получения очищенной и опресненной воды, используемой на тепловых и атомных электростанциях, сотнях видов химических производств, радиотехнике и электротехнике, машиностроении, коммунальном хозяйстве. Соответственно, важно получить экологически безопасные, недорогие, легко синтезируемые, простые в использовании сорбенты и использовать их для очистки промышленных сточных вод от ионов тяжелых металлов.

Во всем мире проводятся исследования по получению высоко сорбционных и селективных, термически и химически стабильных ионообменных материалов, которые помогают преодолевать промышленные и экологические проблемы. В связи с этим особое внимание уделяется сочетанию ионного обмена с реагентными, мембранными и другими методами, синтез механических и осмотических предпочтительных ионитов и продление промышленного использования, оснащение процесса современными технологиями, увеличение использования ионообменников, получение ионообменных сорбентов с высокой селективностью по ионам, определению кинетики сорбции, физико-химических процессов в фазе сорбента в процессе сорбции и механизмов образования комплексов металлов.

В целях развития химической промышленности в нашей стране особое внимание уделяется производству новых видов сорбентов, отвечающих современным требованиям. На основе програмных мероприятий, предпринятых в этом направлении, в частности, получены селективные сорбенты для ионов металлов, особенно новых подходов. Поэтому принимаются масштабные меры по обеспечению внутреннего рынка импортозамещающими местными сорбентами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и внешнем рынках»¹. В связи с этим важно создание экономичных и экологически чистых технологий производства сорбционных материалов на основе местного сырья, синтеза новых высокоэффективных сорбентов и их использования для концентрирования и разделения ионов металлов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Президента Республики Узбекистан ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышения его инвестиционной привлекательности» ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Ученые проводят исследования по всему миру по модификации поливинилхлорида, улучшению его свойств и расширению сфер применения в различных областях, например, L.S.Wang, С.Е.Carraher, M.L. Inamuddin H.Nishide, D.Mayevsky, O.Winther-Jensen, V.Winther-Jensen, E.Monfilier, G.I.Dzhardimalieva и др.

